

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Магистратура бўлими

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Бюджет-солиқ сиёсати” фанидан

**“Бюджет даромадларини шаклланишида ресурс
солиқларининг ўрни” мавзусида**

КУРС ИШИ

Бажарди: МДМ-117 гуруҳ талабаси
Сатторов Ш.К.

Илмий раҳбар: и.ф.н. Расулов З.Ж.

Самарқанд-2019

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Бюджет даромадларини шаклланишида ресурс солиқларининг тутган ўрни	
1.1. Маҳаллий бюджетда ресурс солиқларининг тутган ўрни.....	5
1.2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳақида тушунча.....	7
II Боб. Ресурс солиқларининг таркиби таҳлили	
2.1. Ресурс солиқларини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар.....	12
2.2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўловлари таҳлили...	16
Хулоса.....	22
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	23

Кириш

Маҳаллий бюджет даромадлари шаклланишида ресурс солиқларининг тутган ўрни ҳақида сўз борар экан, хусусан, минтақа маҳаллий бюджетида ресурс солиқлари таркибида юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, ер қаъридан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар таҳлил ва тадқиқ қилиш, шунингдек, ресурс солиқлар тушумлари ўсиши ҳисобига маҳаллий бюджет даромадларини барқарорлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ресурсларни солиққа тортишнинг моҳияти табиий ресурслардан самарали фойдаланиш учун рента ёки қўшимча даромадни бюджет-солиқ механизми орқали қайта тақсимлаш ҳисобланади. Жаҳон амалиётида табиий ресурслардан фойдаланишни солиққа тортиш одатда фойда солиғи ва табиий ресурслардан фойдаланганлик учун махсус солиқлар, яъни рента солиқлари сифатида ундирилади. Айрим хорижий мамлакатлар солиқ амалиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ҳисобига юқори рентабелликка эришадиган хўжалик субъектлари учун акциз солиқлари ҳам амал қилади. Демак, хом-ашё бозори улуши юқори бўлган мамлакатлар учун табиий ресурсларга солиқ солишнинг самарали тизимини яратиш муҳимдир.

Мавзунинг мақсади бюджет даромадларини шаклланишида ресурс солиқларининг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- бюджет даромадларини шаклланишида ресурс солиқларининг тутган ўрнини ўрганиш;
- маҳаллий бюджетда ресурс солиқларининг тутган ўрнини ёритиш;
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ёритиш;
- ресурс солиқларини шакллантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўловлари таҳлил қилиш ва мавзу бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Курс иши объекти ресурс солиқларини самарали бошқариш механизмлари бўлиб ҳисобланади.

Курс иши предмети бюджет даромадларини шаклланишида ресурс солиқларининг ўрнини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услуб ва услубияти. Курс ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Бозор муносабатлари шароитида давлат молиясини бошқаришда бюджет-солиқ сиёсатининг тутган ўрнини асослашга йўналтирилган ушбу курс иши юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериши, шубҳасиз.

Курс ишининг ҳажми. Курс иши кириш қисми, тўртта параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. Бюджет даромадларини шаклланишида ресурс солиқларининг тутган ўрни

1.1. Маҳаллий бюджетда ресурс солиқларининг тутган ўрни

Ресурс тўловларининг асосий турлари бўлиб бонуслар, ренталс, роялти ҳисобланади. Бонуслар давлат учун солиқлар каби унчалик муҳим молиявий ресурс бўлмасда, давлат бюджети даромадларини оширишнинг зарур элементларидан ҳисобланади. Бонуслар ҳажми ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги билан белгиланиб, улар табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича келишувлар предмети ҳисобланади. Ренталс табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларнинг иккинчи кўриниши бўлиб, давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича шартнома тузиш, вақтида ундириладиган тўлов ҳисобланади. Ренталс – бу казиб чиқариш мавжудлиги ёки ишлаб чиқаришнинг рентабеллигидан қатъий назар, шартномани тузиш пайтидан бошлаб, давлатга мунтазам даромад олиш имкониятини берадиган тўлов шаклидир. Уларнинг миқдори ишлаб чиқариш конининг ҳам бутун худуди ҳамда битта майдони учун белгиланиши мумкин. Табиий ресурслардан ишлаб чиқарилган майдон қийматининг қатъий белгиланган улушини заҳираларни ишлаб чиқариш ҳуқуқи учун давлат тасарруфига тўлаш роялти дейилади. Роялтида табиий ресурслардан фойдаланувчининг ялпи даражасидан фоиз кўринишида ундирилиб, давлат томонидан табиий ресурсларнинг эгаси сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қатъий улуши ўзлаштирилади. Дунёда роялтининг маълум шартларга қараб ўзгариш амалиёти мавжуд. Масалан, АҚШда бу нисбат фақат казиб олинадиган жойда битта параметр билан фарқланади (куруқликда – 16%, шельф устида – 12%), Нигерияда эса денгизда казиб чиқариш чуқурлигига қараб¹.

¹ Качур О.В. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2007. – 304 с.

Республикаимиз қонунчилигига кўра, мавжуд ер ости бойликлари умумдавлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, 1995 йилдан бошлаб ер ости бойликларидан фойдаланувчилар уларнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда махсус солиқ тўлайдилар. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилишидан асосий мақсад – умумдавлат мулки ҳисобланган ер ости бойликларидан оқилона тарзда бутун жамият аъзоларининг келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ресурс солиқлар ва тўловларининг хусусиятлари уларнинг мавжуд табиий ресурслардан фойдаланиш тизимидаги тўловлар эканлигидан иборатдир. Шунингдек ресурс солиқлар ва тўловларининг солиққа тортиш ставкалари асосан катъий ставкаларда ўрнатилган бўлиб фойдаланилган ресурслар ҳажмига боғлиқ ҳисобланади.

Тўлов шакллари давлат томонидан берилган фаолият руҳсатномасида китилади. Фаолиятга доир бўлган аммо, давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлар, ҳарбий туси бўлган хизматлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махсус идоралар тасарруфида бўлган радиактив ва бошқа махсус маҳсулотлар ер ости бойликларидан фойдаланилганлик учун тўлов сифатида талаб килиниши ва шукабўл килинишига йул қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ер ости бойликлари ҳақидаги қонуннинг яна бир муҳим томони шундаки ер ости бойликларини қазиб олиш жараёнид фойдали қазилмаларнинг меъёридан ортиқ қисми йўқолагн тақдирда ер ости бойликларини қазиб олиш учун 2 баробар ортиқ тўловлар(ер ости бойликларини тежаш ва уларга нисбатан эҳтиёткорлик бўлиш мақсадида) ундирилади.

Мазкур солиқ турларининг умумий солиқ тизимида ҳам ўзига хос ундириш механизмлари мавжуд бўлиб, айна вақтда соддалаштирилган солиққа тортиш механизми шакллантирилгандир. Ҳозирги даврда табиий

ресурсладан фойдаланганлик солиқлари ва тўловлари тизими бюджет ва бюджетдан ташқари айрим экологик мақсадлардаги фондларни шакллантириш учун ҳам йўналтирилмоқда. Ушбу тизимдаги асосий рента тўловларини қуйидагилар ташкил қилади: ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун ва сув хўжаликлари тизимидан ишлаб чиқаришга ажратилган маблағлар. Юқоридагилардан ташқари ушбу тизим таркибига экологик солиқлар ва тўловлар деб номланувчи солиқлар ҳам киритилади. Экологик солиқларга табиий манбалардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун солинадиган жарималар бошқача қилиб айтганда, табиий манбалардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик ва атроф муҳитга зарарли чиқиндилар учун олинадиган маблағлар иқтисодий адабиётларда экологик солиқлар деб юритилади.

1.2. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳақида тушунча

Ер ости бойликларидан фойдаланиш учун олинадиган тўловлар миқдори Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун қуйидаги шакллардаги тўловлар олинади:

-пул тўловлари;

-қазиб олинаётган ер ости бойликларини бир қисми ёки ушбу бойликларни қазиб олаётганлар томонидан ишлаб чиқарилаётган ўзга маҳсулотлар ;


-Республика ва маҳаллий бюджетга келажакда тушиши лозим бўлган тўловларнинг ушбу ер ости бойликларини қазиб олиш учун яратилаётган тоғ кон бирлашмасининг бошланғич устав маблағининг бир қисми сифатидаги пуллар.

Солиқ кодексига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ умумдавлат солиқлари таркибига киради ва солиқ тушумлари республика

бюджетига тушади². Табиий ресурслардан давлат бюджетига солиқ тушумлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш учун биз, аввало, Ўзбекистон давлат бюджети даромадларида ресурс солиқлари салмоғини таҳлил қиламиз (1-диаграммага қаралсин).

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида ресурс солиқларининг салмоғи, %да



1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларида ресурс солиқларининг салмоғи умуман камайиш тенденциясига эга, лекин таҳлил қилинган давр ичида 2012 йилдан бошлаб 2013 йилгача ўсиш ҳам кузатилади. Жумладан, бу кўрсаткич 2013 йили 2012 йилга нисбатан 1,4 фоизга ўсган. Кейинги йилларда камайиб бориб, 2014 йили 2013 йилга нисбатан 0,4 фоизга, 2015 йили 2014 йилга нисбатан 0,1 фоизга, 2016 йили 2015 йилга нисбатан 1,4 фоизга, 2017 йили 2011 йилга нисбатан 0,6 фоизга камайиши ва шунингдек 2017 йили 2011


² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2010.

йилга нисбатан 2,1 фоизга камайиши маълум бўлди. Демак, ҳозирги вақтда республикада ресурс солиқлари давлат бюджетидида муайян ўз ўрнига эга.

Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларида ресурс солиқларининг улуши таҳлили қуйидаги натижаларни берди (2-диаграммага қаралсин).

2-диаграмма

Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларида ресурс солиқларининг улуши, %да



Таҳлил маълумотларидан маълумки, минтақа маҳаллий бюджети даромадларида ҳам ресурс солиқлари улушининг йиллар бўйича умумий камайиш тенденцияси кузатилади. Таҳлил қилинган даврда 2011 йилдан 2014 йилгача мунтазам камайиб келган. Яъни 2011 йилда 9,9 фоиз бўлиб, 2012 йилда 8,7 фоиз, 2013 йилда 6,9 фоиз ва 2014 йилда 6,2 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич фақат 2015 йилда 9,4 фоизни ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатан 3,2 фоизга ўсган. Кейин 2016 ва 2017 йиллар учун ҳар бир йилга 6,2 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 3,2 фоизга камайган, шунингдек, 2017 йилда 2011 йилга нисбатан 3,7 фоизга камайиши кузатилган. Таҳлил шуни кўрсатдики, ҳозирда республика давлат бюджети даромадларида ва

минтақа маҳаллий бюджети даромадларида ҳам ресурс солиқлари салмоғи умумий камайиш хусусиятига эга.

Бу солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олиш билан шуғулланувчи, ер остидан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

Солиқ объектлари фойдали қазилмалар қазиб олиш ҳажми, техноген хосилаларнинг ҳажми, рангли тошлар хом-ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қуйилган ер қазри участкаси майдонлари ҳисобланади.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектлари қуйидагилардан иборатдир:

1) фойдали қазилмалар (шу жумладан кўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва кимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми;

2) техноген хосилаларнинг (минерал хом ашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларининг) ҳажми;

3) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми;

4) тўпланган рангли тошлар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарининг ҳисобга олинган қиймати.

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқдан қуйидагилар озод қилинади:

1) Ер қазрини геологик жиҳатдан ўрганувчи шахслар;

2)Геология, минералогия ва бошқа алоҳида кўриклана илган табиий ҳудудларда илмий ишлар олиб борувчи шахслар;

3)Бюджетдаги муассасалар ва ташкилотлар - ер ости иншоотлари кўрганлик ва улардан фойдаланганлик учун;

4)Кенг тарқалган фойдали қазилмалар казиб олишни ўзларига берилган ер участкалари доирасида хўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун белгиланган тартибда амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар;

5)Метрополитен - ер ости иншоотларидан фойдаланганлик учун.

6)Мактабгача таълим нодавлат муассасалари - ер ости иншоотлари кўрганлик ва улардан фойдаланганлик учун, рўйхатдан ўтган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, башарти улар бўшатиб олинаётган маблағларни моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, асбоб-ускуна, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлар ва адабиёт олишга сарфласа;

Юридик шахслар балансида бўлган ва улар томонидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларга ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солинмайди.

II Боб. Ресурс солиқларининг таркиби таҳлили

2.1. Ресурс солиқларини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодчи олим Тошмуродова Б.Э. таъкидлашича³, республикамызда иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишларини кузатиш мумкин:

- солиққа тортишда асосан, фискалликка эътибор берилиши;
- даромад солиқлари ставкаларини пасайтириш тенденцияси;
- истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- турли хил солиққа тортиш тартибларининг қўлланилиши;
- ресурс солиқлари аҳамиятининг ошириб бориш;
- эгри солиқлар улушининг кўпайиб бориши ва улар воситасида истеъмол даражасини бошқариш сиёсатининг олиб борилиши;
- бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар ролининг кескин ошиши;
- солиқлар воситасида протекционизм сиёсати юритилишига катта эътибор берилиши ва бошқалар.

Шундай қилиб, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия муносабатларидан келиб чиқади ва унга хизмат қилади. Қолаверса, у иқтисодий барқарорлаштириш ва ривожлантиришга, молия муносабатларини бошқаришга таъсир кўрсатади.

Солиқ пул муносабатларини ҳаракати доирасида юзага келар экан, сўзсиз у молия муносабатларининг таркиби сифатида бозор иқтисодийнинг зарурий қисми ҳамдир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши шартдир. Шу боис солиқ муносабатларини чуқур ўрганиш, ундан

³ Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2007. – 13 б

илмий хулосалар чиқариш мумкиндир. Акс ҳолда, бундай сиёсат катта муваффақиятга эришиши қийин.

Ер участкалари учун қайси пайтдан бошлаб ҳақ тўлаш керак ва мулк ҳуқуқи алоҳида турган биноларга утиш чогида ушбу мажбуриятлар қачон тугаланади? Мунозара ҳозирга қадар давом этапти. Баъзи мутахассислар фикрича, юридик ва жисмоний шахслар бинолар ва иншоотлар сотилиши чогида улар эгалаган ер учун солиқни харидор ушбу участкага доир ҳуқуқини руйхатдан ўтказмагунига қадар тўлашлари керак. Уйлашимизча, бу Солиқ кодексига зид келади. 103-модданинг учинчи қисмида мувофик ер участкаси олиб қуйилган (камайтирилган), ҳақи тулаб қайтариб олинган, соитилган тақдирда солиқ ундириш у амалга оширилган ойдан эътиборан тухтатилади (камайтирилади). Кодексининг ушбу меъёрига қура, ундаги бинолар ва иншоотлар сотилиши натижасида ер участкаси қамайган тақдирда, тегишинча, ушбу ойда солиқ суммаси ҳам қамаяди. Худди шу тартиб ҳақиб қилувчи томонга ҳам таълуқли, яъни унда алоҳида турган биноларни харид қилиш пайтидан мажбуриятлар юзага келади. Ҳисобварақ-фактура ва қабул қилиш топшириш далолатномасини имзолаш санаси бинолар ва иншоотларни харид қилиш (сотиш) санаси ҳисобланишига эътибор қаратиш лозим. Бирок амалдаги тажрибанинг кўрсатишича, харидор ва сотувчи ҳар доим ҳам ер участкасига доир уз ҳуқуқларини қайтадан руйхатдан ўтказавермайди. Ана шунда ер доир тўловлар бўйича мажбуриятлар ижроси масаласи ҳал этилмай қолаверади. Шу сабабли ер участкаларига доир ҳуқуқнинг утиш пайтини, бинобарин, улар учун солиқ туланишини ҳам ойдинлаштирадиган меъёрни киритиш мақсадга мувофик бўлади.

Энди ушбу ресурс солиқлари салмоғининг умумий қамайиши қайси солиқ турлари ҳисобига юз беришини аниқлаш мақсадида, ресурс солиқлари таркибига қирувчи (мол-мулк солиғи бундан мустасно) юридик шахслар солиқ тўловларини таҳлил қиламиз.

Маҳаллий бюджет даромадларида ресурс солиқлари таркибида юридик шахслар солиқ тўловлари, млн. сўмда

Кўрсаткичлар атамаси	Йиллар							2017 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши, (+, -)
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
Бюджет даромадлари жами, %	100	100	100	100	100	100	100	X
Ресурс солиқлари, шу жумладан:	32582,0	32899,4	31310,9	34346,6	67163,5	59081,7	79881,5	+47299,5
-юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	4251,7	6306,3	5895,0	5602,1	13448,7	9598,6	15373,9	+11122,2
салмоғи, %да	13,0	19,2	18,8	16,3	20,0	16,2	19,2	+6,2
-ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	18584,3	19394,1	17451,8	20425,8	44394,9	43139,7	52791,7	+34207,4
салмоғи, %да	57,0	58,9	55,7	59,5	66,1	73,0	66,1	+9,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	9745,9	7198,9	7964,1	8318,7	9319,9	6343,3	11715,9	+1970,0
салмоғи, %да	30,0	21,9	25,5	24,2	13,9	10,8	14,7	-15,3

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ресурс солиқлари таркибида асосий ўринни ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ эгаллайди. 2011 йили ресурс солиқлари таркибида у 57,0 фоиз бўлган. Бу кўрсаткич 2017 йилга келиб 66,1 фоизни ташкил этган, яъни 2011 йилга нисбатан 9,1 фоизга ошган. Таҳлил қилинган йиллар давомида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғининг ўсиб бориш тенденцияси кузатилди. Эътиборли жиҳати шундаки, минтақа маҳаллий бюджети даромадлари ресурс солиқлари таркибида 2016 йилда 73 фоизни ташкил этган ва бу энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Демак, бундан шундай хулосага келамиз: ҳозирги кунда ресурс солиқлари минтақа маҳаллий бюджетининг асосий даромад манбаларидан бири сифатида етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу солиқ табиий бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш билан бирга, соф фискал функцияни бажаради. Республикамизда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ер ости бойликларининг 53 турига нисбатан белгиланган бўлсада, бюджетга солиқ тушумлари фақатгина айрим ер ости бойликларига мутлоқ равишда боғлиқдир. Ушбу солиқ тури ҳозирги вақтда табиий ресурслардан фойдаланишда белгиланган асосий солиқ тури ҳисобланади.

Ресурс солиқларининг иккинчи тури сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ҳисобланади. Ушбу солиқ тури таҳлил қилинган даврда ресурс солиқларининг қарийб 30 фоизгача миқдорини ташкил қилган. Хусусан, 2011 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ минтақа маҳаллий бюджети даромадларининг ресурс солиқлари таркибида 30 фоизини ташкил этган бўлиб, у таҳлил қилинган йиллардаги энг юқори кўрсаткичдир. Шуниси характерлики, йиллар бўйича мазкур солиқ тури ресурс солиқлари таркибида камайиб келиб, 2017 йилда бу кўрсаткич 14,7 фоизни ташкил этган. Яъни 2017 йилда 2011 йилга нисбатан 15,3 фоизга пасайган.

2.2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўловлари таҳлили

Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланиш ва ерга эгалик қилиш пулладир.

Ер солиғи давлат бюджети ва солиқ тўловлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам у иқтисодий категориялар туркумига киради.

Ер солиғининг иқтисодий моҳияти мазмунини очишда давлат бюджети мол-мулк солиқ тўловчилари ўртасидаги юзага келадиган кўп қиррали муносабатларнинг характерини ўрганиш лозим. У айрим тўғри солиқлардан фарқли ўлароқ маҳаллий солиқлар гуруҳига киради.

Ер солиғи маҳаллий солиқлар гуруҳида бўлса ҳам, унинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар эса вилоят ҳокимликлари томонидан жорий этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ер солиғи давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини юргизишда ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Республика Олий Кенгаши 1993 йил 6 майда «Ер солиғи тўғрисида» қонун қабул қилиниши орқали ерга бўлган эгалик муносабатларини тубдан ўзгартирди. Аҳолининг кенг қатлами ердан фойдаланишда энг асосий мақсад ернинг унумдорлигини ошириш, ерга тўғри ишлов бериш ва ердан олинган маҳсулотларни халқ манфаатларининг кондирилишига жалб этиш бўлиб ҳисобланмоқда.

Ердан унумли фойдаланиш, уни ҳосилдарликдаги мавқеини ошириш асосан солиқ муносабатлари орқали амалга оширилиши бу борада оқилона солиқ сиёсатининг юргизилишини тақозо этади. Лекин ер солиғини жорий этиш ер қонунчилиги билан белгиланади. Чунки ер қонунига мувофиқ ерларни тоифаларга бўлиши ва унда асосан ер унумдорлигининг эътиборга олинishi ерга нисбатан ўзига хос солиқ муносабатларини юргизишни тақозо

этади.

Мамлакатимизда «Ер тўғрисида»ги қонунга асосан ер солиқ муносабатлар янги поғонага кўтарилди ва ер солиғини солиқ тизимидаги аҳамияти анча оширилди. Ерга эгаллик қилиш ҳам энди кунда солиқ муносабатлари орқали тартибга келтирилиб турилмоқда. Бу эса ер солиғини бюджет ихтиёрига тўлиқ ва белгиланган муддатларда ундирилиши учун ҳам замин яратиш берди. Шунингдек ушбу қонунга мувофиқ, ерларнинг ўнта синфга бўлиниши асосланди ва унинг негизида солиқ ставкаларининг белгиланиши таъминланди.

Ер солиғининг амал қилишини ҳуқуқий жиҳатдан асосланганлиги бозор иқтисодиёти шароитида ер солиғининг моҳиятини тубдан ўзгартирди. Ер солиғининг ер синфларига қараб дифференциялаштирилган гизимининг жорий этилиши ҳар бир жамоа ва ширкат хўжаликлари ва фермерлар томонидан ердан унумли фойдаланишга имкон яратади. Натижада бюджет даромадида нафақат ер солиғи тўловларини динамик ошиши кузатилди, балки бир вақтнинг ўзида ернинг ҳосилдорлиги ошди. Жамоа ва ширкат хўжаликлари томонидан ҳам харажат қилиш орқали катта даромадларни кўлга киритила бошлади. Агар 1993-1998 йилларда жамоа хўжалиқларининг 50 фоизидан ортиғи ердан ҳосил олиш мақсадида катта харажатларни амалга ошириб кузда тутилган даромадларни кўлга киритишга тулиқ эришмаганликлари туфайли жамоа хўжалиқларига нисбатан ўзгачароқ солиқ муносабатларининг кўлланишига сабаб бўлди (яъни фойда солиғини рентабеллик даражаларига нисбатан ундириш, ерга нисбатан амал қилувчи солиқларни ҳисоблашда ва бюджетга ундиришда хаддан ташқари имтиёзларнинг жорий этилиши ва хоказолар шулар жумласидандир).

Бу борада шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ерга нисбатан саёз солиқ муносабатларини 1998 йилга қадар амал қилиши ер майдонларидан фойдаланишда унинг сифат даражасига салбий таъсир этди. Охир оқибат ер майдонларидан узоқ муддатларда фойдаланиб келинганлиги, унинг эгаларига

кузда тутилган натижаларни қўлга киритилишига имкон беради. Тупроқда эрозия содир булиши ёки ернинг турланиши бир вақтнинг ўзида катта-катта молиявий ресурсларни жалб этилишини талаб этди. Бундай шароитларда ерга нисбатан оқилона солиқ тизимини жорий этиш муҳим ҳолга айланиб қолди.

Тупроқ эрозиясини бартараф этиш, ер унумдорлигини ошириш учун маълум молиявий маблағлар талаб қилинди. Кайсики, улар ернинг мелиоратив ҳолатини аниқлашда, суғориш иншоотларини қуришда, зовурларни ўтказишда ва таъмирлашда ишлатилишини тақозо этади.

Янги хўжаликларнинг ташкил қилиниши қурилиш ишларининг кенгайиши ер заҳираларининг камайишига ҳам олиб келди. Суғориладиган ер майдонлари ҳам йилдан-йилга қисқартириб борилади.

Табиийки, бундай юзага келган шароитда ер майдонларидан ижара шартлари асосида самарали фойдаланиш муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек, ердан пул тўлаб фойдаланиш, ижара ҳақи, ернинг норматив баҳоси ер тўловининг шакллари юзага келтиради. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга ижарадорликдан ташқари, ҳар йили ер солиғини тўловчиси бўлади. Ижарага берилган ерлар учун ижара ҳақи ундирила бошланди. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолларда ер участкаларини харид қилиш ва ўз эгалигига сотиб олиш учун, шунингдек банк кредитини, ерни гаровга қўйиб олиш учун, ернинг норматив баҳоси ўрнатилиши ерга бўлган муносабатда туб ўзгариш ясади.

Натижада Республикамиз ҳудудида ерни мулк қилиб, эгалик қилиш, фойдаланиш учун ёки ижарага берилган юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқароликга эга бўлмаган шахслар ер солиғи ва ижара ҳақи тўловчилари сифатида солиқ муносабатларини активлаштирадилар.

Амалда ер солиғини ва ижара ҳақини ундириш объектлари бўлиб

юримдик шахслар ва фуқароларга берилган ер участкалари (кишлоқ хўжалик ерлари, фуқароларга шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш, индивидуал уй-жой қурилишини олиб бориш, боғдорчилик полизчилик ва чорвачилик уй-жой, дала ҳовлиси, тадбиркорлик фаолияти ва ўзга мақсадлар учун берилган ер участкалари; саноат, транспорт, алоқа, бошқа моддий ишлаб чиқариш соҳалари ва ноишлаб чиқариш соҳаси корхоналари учун ерлар) ҳисобланади.

Умуман ер солиғи, белгиланган тартибда юримдик шахс ва фуқароларга мулк сифатида тасарруфлик қилиши, эгалик қилиш ва фойдаланиш учун берилган солиқ солинадиган ер майдони, шу жумладан, бино ва иншоотлар билан банд бўлган майдондан, шунингдек бино ва иншоотларга қараш учун зарур бўлган ер участкаларидан бир йилга мўлжаллаб ундирилиши шакллантирилди. Шунингдек қанча юримдик шахслар ёки фуқаролар алоҳида фойдаланса, унда ер солиғи бундай участканинг ҳар бир қисми бўйича алоҳида қилиб ҳисоблаб чиқиладиган бўлди. Бу шахслар ва фуқаролар биргаликда фойдаланадиган ер майдони уларнинг алоҳида тасарруфида бўлган бинолар майдонига пропорционал равишда солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун улар ўртасида тақримланиши таъминланди.

Юримдик шахслар ва фуқароларнинг умумий эгалигида бўлган биноларга, хизмат кўрсатувчи ер участкаларига ер солиғи, уларнинг бу бинолардаги улушига тенг равишда ҳисоблаб чиқарилади.


Бу борада шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юримдик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақ тўлашлари мумкин. Аммо ижара ҳақи таърифларининг келишувига биноан белгиланади, лекин бу ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкадан кўп бўлмаслиги, ерлардан қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда эса бир ставка миқдорда бўлиши керак. Шундай

қилиб, ер солиғини шакллантириш бевосита унинг тўловчилари томонидан юргизиладиган фаолиягига ҳам боғлиқдир. Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишда ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Шунингдек белгиланган тартибда яғоиа солиқ тўланадиган солиқ тўлашнинг соддалаштириш тизимига ўтган кичик корхоналар, ҳам ер солиғи бўлиб ҳисобланадилар. Аммо юзага келтиришда солиқ объектларини тўғри изоҳдаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий бюджет даромадларида ресурс солиқлари таркибидаги солиқлар динамикасини қуйида 3-диаграммада кўрсатиб ўтамиз.

3-диаграмма

Ресурс солиқлари таркиби динамикаси, %да



Ресурс солиқлари таркибига кирувчи асосий солиқлардан бири юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ҳисобланади. Таҳлил қилинган давр мобайнида юридик шахслардан олинадиган ер солиғи минтақа маҳаллий

бюджет даромадларида ресурс солиқлари таркибида 2011 йили 13,0 фоиз бўлган. Бу кўрсаткич йиллар бўйича ўсиб бориб, 2017 йилда 19,2 фоизни ташкил этган. Яъни 2017 йилда 2011 йилга нисбатан 6,2 фоизга ошган. Демак, ер солиғи салмоғи ресурс солиқлар таркибида охириги йилларда мунтазам равишда ўсиб бормоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, курс ишининг ресурс солиқлари ва минтақа маҳаллий бюджети даромадларининг шаклланишида уларнинг улуши деб номланган қисми бизга қуйидагича хулосалар чиқариш имконини берди:

- ер қаъридан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлари иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлмаган ҳолда табиий хом-ашё ресурслари салоҳиятидан фойдаланишга қаратилган барқарор даромад манбаи ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан, эндиликда ресурс солиқлари тушумлари кўпайиши ҳисобига маҳаллий бюджет даромадларини ошириш манбаси сифатида ва пировардида минтақада ўз-ўзини иқтисодий ривожлантириш зарурлигини таъкидлаймиз. Чунки ҳозирги вақтда, маҳаллий бюджет даромадларининг асосий қисмини бевосита ва билвосита солиқлар таъминламоқда;

- хўжалик субъектларини солиқлар воситасида янада рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти асосида минтақа туманларининг турлича ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, уларни мақбуллаштириш мақсадида вилоятимиз шароитида хўжалик субъектларига манзилли имтиёзлар берилиши лозим. Бу, ўз навбатида, минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишини жонлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Адолат, 2016. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, № 13 (5687)
5. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 6 б.
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга

- юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.
9. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
 10. Ансофф И. Стратегический менеджмент. – СПб.: Питер, 2011. – 344 с
 11. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
 12. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
 13. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
 14. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
 15. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
 16. Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
 17. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 287б.
 18. Зайналов Д., Сагтаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
 19. Mamatov B.S. va boshq. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 608 б.
 20. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
 21. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
 22. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
 23. Управление финансами (Финансы предприятий): Учебник под ред. А.А.Володина. / – М.: ИНФРА-М, 2011. – 504 с. - (Высшее образование).

- 24.Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
- 25.Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
- 26.Ткаченко И.Ю., Малых Н.И. Инвестиции: учеб. Пособие. – М.: Академия, 2009. – 240 с.
- 27.Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
- 28.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 104 б.
- 29.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
- 30.Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
- 31.Черкасов В.Е. Международные инвестиции. Учебно-практическое пособие. – М.: Дело, 2010. – 160 с.
- 32.Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
- 33.Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
- 34.Brigham E.F., Houston J.F. Fundamentals of financial management. Third edition, – Florida: Harcourt college publisher , 2010 у.
- 35.Журналлар: Бозор, пул ва кредит 2015-2016 йил сонлари, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2015-2016 йил сонлари, Иқтисод ва молия 2015-2016 йил сонлари, Молия 2015-2016 йил сонлари.
- 36.Интернет сайтлари:
[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)
[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)
[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)
[http: //www.uza.uz](http://www.uza.uz)